



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 27.05. 2022 г. № 40
2022-350-10-148-МТ-сон

между "СНАУКА-ПРОЕКТ" и Ангрен шаҳар МТБ на общую сумму 12500000,00

Глава _____ 251
Казначейский лицевой счёт _____ 401722860274077091100251004

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4239000			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май	12 500 000,00			12 500 000,00
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	12 500 000,00			12 500 000,00

Всего 12500000,00 сум

Двенадцать миллионов пятьсот тысяч сум 00 тийин

сумма прописью


Из вышеуказанной суммы 3750000,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в ___май___ мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

(Handwritten signature)
(подпись)

Нуриддинов С.Р.

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(Handwritten signature)
(подпись)

Набиева Д. А.

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _____

(подпись)

Получил работник заказчика _____

(подпись)

« ___ » _____ 20__ г.

« ___ » _____ 20__ г.

ЛОЙИХА – СМЕТА ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 40

2022 й. 27 май

2022-350-10-148-МТ-сон

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Ангрен шаҳар МТБ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Нуриддинов С.Р. бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Чайка проект» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Турдиев Н.Ф. иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани тuzдилар.

1. Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 40 МТМ ларни жорий таъмирлаш. объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Ғазначилик бўлими томонидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 й. «24» май кунги танлов ҳайъати йиғилишининг 87833-сонли баёнига асосан жорий нархларда 12500000 (Ун икки миллион беш юз) сўмни, шу жумладан кўшимча қиймат солиғи билан

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан “3” кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “ 27 ” майда буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари ва ёки жалб қилинган қучлар билан тасдиқланган ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг руҳсатсиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

4. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. Буюртмачи Пудратчига маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдорида авансни ўтказиши.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

6. Ишларни бажариш

6.1. Пудратчи лойиҳа-СНИП ишларига лойиҳа бош муҳандисни тайинлайди. Бош муҳандис лойиҳа-смета ҳужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат қилади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради.

7. Ишларни топшириш ва қабул қилиш

7.1. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четга чиқишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликларни аниқлагандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилади. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилади.

8. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9. Кафолатлар

9.1. Пудратчи: барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва маъқул шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиҳа-смета ҳужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди:

10. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

10.1. Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди. Пудратчи тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзгатишган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида қатнашишга мажбур.

10.2. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда маъқул шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3. Маъқул шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги ва тегишли дастур бўйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фозидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлашиш Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фозидан ошмаслиги лозим.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиҳа-смета ҳужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар ҳисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ зарар тўлиғича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фозидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш метёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг ҳулосаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиниши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун маъқул шартномада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдала инфодаландиган пеня билан қоплашмаган зарарларни қоплайди.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Компания бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши

натijasida majburiyatni bajariш tўlik ёки kisman mumkin бўлмай колса, majburiyat tўlik ёки унинг тегишли kismi бекор бўлади.

11. Коррупцияга карши курашишга доир majburiy шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз majburiyatларини bajariшда томонлар:

- коррупцияга карши курашиш tўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси конунчилиги талабларига зид бўлган хар қандай хатти-харакатларни амалга оширмаслик;

- шу жумладан, пора таклиф килмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик килмаслиги, tўғридан-tўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган холда амалга ошириши ёки амалга ошириши mumkin бўлган муаян харакатларни bajarмаслиги шарт;

- томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси конунчилигига зид бўлган хатти-харакатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги хақида алоқа каналларига мурожаат килиши mumkin.

12. Низоларни хал қилиш

12.1. Шартномани bajariшда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро хал этолмаса, улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Охангарон туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарҳозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган холда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни кискартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат унитар корхонасининг Техник топширикнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари кисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шарҳозлик ҳужжатларига ижобий ҳулоса берилмаган тақдирда.

13.3. Пудратчи пудрат шартномасини bajariшга ўз вақтида қиришмаса ёки ишни сует bajariши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш mumkin эмаслиги аниқ бўлиб колса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлик ва сифатли шаклда топширилганига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши mumkin.

13.4. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Ангрен шаҳар Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қучга қиради ҳамда 2022 йил 31 декабрғача амалда бўлади. Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди. Учала нусха айнан бир хил ва тенг юридик қучга эга.

15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

"Буюртмачи"

Ангрен шаҳар МТБ

Манзил: Ангрен ш. Ёшлик 21 уй

Тел./факс: 662-72-97

шҒХ: 401722860274077091100251004

СТИР: 207 267 274

ОКЭД-85100

Ангрен шаҳар Ғазначилик бўлинмаси

ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Хисоб-китоб-қасса маркази

(ХККМ)

МФО: 00014 Ғазначилик бўлинмасининг

СТИР: 201 122 919

Раҳбар: _____ Нуриддинов С.Р.

«Етказиб берувчи»

ООО «ЧАЙКА ПРОЕКТ»

р/с: 20208000204697322001


Адрес: г. Ангрен, Кв-л 8, кафе «Гузаль»

Банк: «ХАМКОРБАНК» АТБ ф-л г. Ангрен

МФО: 01149 ИНН: -300787982

ОКЭТ: -43390

ТЕЛ: 66 5 01 85; 94-409-10-63.



Директор: _____ Турдиев Н.Ф.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJAT LOYIHASINING
QONUNCHILIKKA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyiha turi: Shartnoma

2. Loyi haning nomi

Angren shahar Maktabgacha ta’lim bo’limi va “Chayka proekt” MCHJ o’rtasida tuzilgan pudrat shartnoma. Shartnoma summasi **12 500 000** (o’n ikki million besh yuz ming) so’mni tashkil qiladi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot

Angren shahar Maktabgacha ta’lim bo’limi tomonidan 2022-yil 24-may kuni ishlab chiqilgan va yuridik markazga taqdim qilingan.

4. Loyiha bo’yicha yuridik markaz xulosasi

Loyiha O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 631-655-moddalari, “Xo’jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to’g’risida”gi O‘zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagi 670-I-son qonuniga muvofiq tayyorlangan.

Mazkur shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga rioya qilingan holda ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



R.Husanov

2022-yil 24-may